

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси VI Қурултойи ҚАРОРИ

2025 йил 07 август

VI - 1

Тошкент ш.

**Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари: тармоқ касаба уюшмаси
Республика Кенгашининг 2020 йил сентябрь ойдан 2025 йил август
ойига қадар фаолияти ва “Ўзбекистон-2030” стратегияси асосида миллий
тараққиётнинг янги босқичида касаба уюшмаси ташкилотларининг
устувор вазифалари тўғрисида**

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси 2020 йил сентябрдан 2025 йил августига қадар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Уставларига мувофиқ олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ва “Ўзмонтажмахсусқурилиш” акциядорлик жамияти билан имзоланган тармоқ жамоа келишувлари ходимларга муносиб меҳнат шароитларини яратиб бериш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, турмуш даражаларини юксалтириш, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат интизомини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳисобот даврида ходимларга бехатар меҳнат шароитлари яратиб берилиши устидан касаба уюшмаларининг доимий жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, тармоқ касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди.

Тузилган жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларни бажарилиши устидан доимий назорат олиб борилди ва жамоа шартномаларининг “Меҳнат муҳофазаси бўйича битим”ларини ҳар йили бажарилиши бўйича маълумотлар йиғилиб, таҳлил қилинди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича **121 887 та** режалаштирилган тадбирларнинг **144 389 таси**, яъни **118 фоизининг** бажарилишига эришилди.

Тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазасига сарфланаётган маблағлар йилдан йилга ортиб бормоқда, 2021 йилда 21 млрд. 644 млн. сўм сарфланган бўлса, 2022 йилда 22 млрд. 938 млн. сўм, 2023 йилда 23 млрд. 114 млн. сўм, 2024 йилда 24 млрд. 500 млн. сўм сарфланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда жамоа шартномалари талабларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси хизмати томонидан 214 та давра суҳбати, ўқув-машғулоти ва семинарлар ўтказилди.

Ижтимоий шериклар билан алоҳида-алоҳида тармоқ даражасида доимий асосда фаолият олиб боровчи Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича тармоқ комиссиялари тузилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, тармоқ тизимида доимий асосда фаолият кўрсатувчи Меҳнат арбитражи ҳам шакллантирилди.

Тизимда тармоқ жамоа келувларини бажарилиши ҳар йил якуни бўйича ўрганилиб, таҳлил қилинади, тегишли қўшма қарорлар қабул қилиниб, жойларга ижро ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун юборилиб келинмоқда.

Тармоқ жамоа келишувларини бажарилиши учун 2020-2025 йилларда корхоналар томонидан жами 852,6 млрд. сўм сарфланди.

Ҳисобот йилларида жами 3 574 та бошланғич ташкилотларнинг жамоа шартномалари экспертизадан ўтказилди.

Статистик ҳисоботларига кўра 2021 йилда – 97,9%, 2022 йилда – 99,3%, 2023 йилда – 99,6%, 2024 йилда – 98,2% ва 2025 йилда 99,6% тармоқ корхоналарида жамоа шартномалар қабул қилинди ва бу билан ишловчиларнинг ўртача 99%и қамраб олинди.

Ҳисобот йиллари давомида 2-ЖШ статистик ҳисоботларига кўра, ҳар бир ходим жамоа шартномалари орқали ўрта ҳисобда 14 млн. 550 минг сўм билвосита ва бевосита қўшимча даромад олди.

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича дастури ишлаб чиқилган бўлиб, тизим ташкилотлари учун ижрога қаратилган.

Кўмаклашиш дастурида белгиланган вазифалар ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 6 ойи давомида “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” учун белгиланган Давлат дастури доирасида тармоқ корхоналарида Дастурни 6 ойлик даврда бажарилиши учун 4 млрд. 594 млн. 636 минг сўм, шу жумладан 481 млн. сўм маблағлар сарфланиб, 7 235 нафар ходимлар ва корхоналарнинг собиқ ходимлари бўлган пенсионерларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилиб, шу билан ўрнатилган тақсимотлар 53%га бажарилди.

Тармоқ касаба уюшмаси тизимида 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига бошланғич ташкилотлар сони 2 005 та, аъзолар сони эса 203 108 нафарни ташкил этиб, шундан 101 146 нафари ёшлар бўлса, аёлларнинг умумий сони 99 837 нафарни ташкил этган эди.

Бугунги кунда эса, ҳудудий Кенгашлар сони 14 та, бирлашган кўмиталар сони 2 та, бошланғич ташкилотлар сони 4 141 та, шундан асосий ишдан озод этилган касаба уюшмаси кўмиталари 23 та, жами касаба уюшмаси аъзолари сони 511 813 нафарни ташкил этиб, шундан 172 622 нафари ёшлар, 95 918 нафари аёлларни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон транспорт йўл ва капитал қурилиш қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳисоботларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон транспорт йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси **VI Қурултой ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари: тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2020 йил сентябрь ойидан 2025 йил август ойига қадар фаолияти ва “Ўзбекистон-2030” стратегияси асосида миллий тараққиётнинг янги босқичида касаба уюшмаларининг устувор вазифалари тўғрисида”ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

3. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

- тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари ўз фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатларга ҳамда ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида йўналтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларни касаба уюшмасига кенгроқ жалб этиш;

- касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш механизмни такомиллаштириш, ходимларга иш ҳақини республикада ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам тўламаслик ҳамда иш ҳақини ўз вақтида тўланиши масалаларга жиддий эътибор қаратиш;

- барча поғонадаги касаба уюшмаси ташкилотларидан аъзолик бадаллари тушумини ошириш чораларини кўриш, касаба уюшмаси маблағларини мақсадли сарфланишида молиявий интизомга қатъий риоя этилишини таъминлаш;

- жойларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларига ходимларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида имтиёз ва

кафолатларни тўлиқ киритилишига эришиш. Эксперт комиссияларига малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш жараёнида норматив ҳужжатларда белгиланган нормаларга зид бандлар киритилмаслиги бўйича қатъий назорат ўрнатиш ва киритилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

- тизимли равишда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавф-хатарлар таъсирини камайтириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнатни муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, қонун ва қонуности ҳужжатларини мазмун моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида ўқувлар, семинар машғулотлар ташкил қилиш;

- барча касаба уюшмаси органларининг ишида Ёшлар кенгашлари вакиллари иштирокини таъминлаш, ёшлар ўртасида турли маъданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, фестиваллар, форумлар ўтказиш орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгида ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш;

- ходимлар ва уларни оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш учун шароит яратиб бериш;

- ходимлар ўртасида маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини тизимли равишда ташкил қилиш, ходимлар гимнастикасини тўлиқ жорий этилишига эришиш, туристик саёҳатларнинг кўламини кенгайтириш;

5. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий Кенгаши раисларига:

- **уч кун муддатда** белгиланган устувор йўналишларни (Курултой йиғилишида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда) амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва бажарилишини доимий назорат қилиб бориш;

- тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларда жамоа шартномаси бандларини бажарилишини текшириш ва янги жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссиялари таркибидаги касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари ходимларнинг манфатини кўзлаган ҳолда иш кўришларини таъминлаш;

- амалда бўлган жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ҳар ойда мониторинг қилиб борилишини йўлга қўйиш, белгиланган муддатларда бажарилмаётган бандлар бўйича иш берувчига таклифларни киритиш ва бажарилишига эришиш;

- янги тузилаётган жамоа шартномаси лойиҳаси барча касаба уюшмаси ташкилотларида муҳокама қилиниши, лойиҳа юзасидан ходимлардан тушган ҳар бир таклиф кўриб чиқилишини таъминлаш;

- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш

соҳасидаги норматив ҳужжатлар бўйича билимини ошириш юзасидан жойларда мунтазам равишда ўқувлар ташкил этиш;

- меҳнат муносабатларининг тўғри расмийлаштирилиши, меҳнат таътилларини бериш ва унга ҳақ тўлаш, бир ишдан бошқа ишга ўтказиш, иш ҳақи тўлаш, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни ўрнатилган тартибда юритиш масалаларида иш берувчилар томонидан Меҳнат кодекси талбаларига катъий риоя этилиши назорат қилиш;

- “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилиши, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайланиши, уларни ўқитилиши ва фаолияти тизимли йўлга қўйилишини таъминлаш;

-амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ ходимлар учун қулай ва бехатар меҳнат шароитлари яратиб берилишида иштирок этиш;

-молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни тубдан кучайтириш, бу масалада барча даражадаги тафтиш комиссиялари маъсулиятини ошириш ва аъзолик бадалари тушумини кўпайтириш чораларини кўриш;

-кадрлар ва фаоллар билан ишлаш соҳасидаги ишларни тизимли равишда давом эттириш, ҳамкорликда жойларда бошланғич ташкилотлар раҳбарлари ва фаоллари учун ўқувлар ташкил қилиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш ишларини кучайтириш;

-тармоқ касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳолис ва ҳаққоний маълумотларни аҳолига етказишда оммавий-ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, тармоқ веб-сайтлари имкониятларидан унумли фойдаланиш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашига топширилсин.

Раислик қилувчи



Д.Т.Хашимова